

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИЛМ-ФАН ВА ИННОВАЦИЯ

Илмий-амалий конференция
материаллари

Қарши
“Қарши давлат университети” нашриёти
2018

“ГУЛ ВА БУЛБУЛ” ДОСТОНИНИНГ ВАЗН ВА ҚОФИЯСИ

*Ўзбек тили ва адабиёти
магистранти: Шодиева С.*

Илмий раҳбар: проф. Шодмонов Н.

XVIII аср Қашқадарё воҳасида етишиб чиққан таниқли ижодкорлардан бири Салоҳиддин Салоҳийдир. Салоҳий каламига мансуб бўлган “Гул ва булбул” достони шоир ижодининг гултожи ҳисобланади. Чунки ижодкор бу достонида ўзбек тилининг бой имкониятларидан фойдаланиб, рамзий образлар орқали инсоний кадр - киммат, меҳр - муҳаббат, олийжаноблик гоյларини илгари сурган.

Мазкур достоннинг вазни ҳам асар мазмун – моҳиятидан келиб чиққан ҳолда ҳазажи мусаддаси маҳзуф / мақсур вазнида ёзилган. Достон учун танланган бу вазн асарнинг гоյвий руҳига ниҳоятда мос тушган. Унинг рукнлар парадигмаси куйидагича:

Таажжуб қилдиму турдум замони,
Баногаҳ бошлади булбул фиғони.

V - - - | V - - - | V - -

Мафойилун мафойилун фаувлун

Ёки

Неча кунлар юруб булбул қилиб сайр,
Чаманзори жаҳон ичра қилиб тайр. (344)

V - - - | V - - - | V - ~

Мафойилун мафойилун мафойил

Бу вазн, асосан, Шарқ классик достончилигида ишқий фироқнома руҳидаги асарларда қўлланилган. Жумладан, “Хамса” таркиби киритилган иккинчи достонлар, яъни “Хусрав ва Ширин” ҳамда “Фарҳод ва Ширин” мавзусидаги асарлар ҳам шу вазнида яратилган. Албатта, бу вазннинг ғамнома руҳидаги достонларда қўлланилишининг сабаблари бор. Чунки у руҳий ҳолатларни ифодалаш учун қулай имкониятлар яратиб беради. Бу вазн орқали бутун асар давомида бир хил мусиқий оҳанглар силсиласи юзага келган. Бу эса Салоҳийнинг асар гоёсини ифодалашда унинг руҳига мос вазн таплаганидан далолат беради.

“Гул ва булбул” ўзбек эпик шеърлятида асосий урин тутган маснавий (иккилик) усулида қофияланган.

Шоир қофия назарияси талабларига кўра дostonда, асосан, равийли қофиялардан фойдаланган. Қофиялар байтлардаги мазмунни чуқур ифодалашга хизмат қилувчи энг характерли оҳангдош сўзлардан таркиб топган. “Гул ва булбул” дostonида қофиянинг тўлиқ, оч каби асосий хиллари, шунингдек, мутлақ (1), муқайяд (2), мурдаф (3), мужаррад (4) каби қофия турлари ҳамда зулқофиятайн (5), радифли қофия каби шакллари қўлланилган:

1. Баногоҳ етти булбул бир чаманга,
Келиб тушти гулистони суманга. (344)
2. Мунунгдекдур кўрарсан боғи жаннат,
Баҳоридурки, йўқтур анга захмат. (344)
3. Деди гул: “эй сабо ҳайҳот, ҳайҳот,
Топиб булбулни келтургил манга бот. (347)
4. Туруб гул этагин қилгил наво сен,
Бу янглиғ ерда бўлма мубтало сен. (348)
5. Саломим бер, дегил булбул чаманда,
Қизил гул зори ул байтул – ҳазанда. (350)

1. Мутлақ қофияга мисол бўлган чаманга – суманга сўзларида (н) ундоши равий бўлиб, ундан кейин –га жўналиш қўшимчаси келган. 2. Муқайяд (қайдли) қофия равий билан тугаган қофиядир. Равий (т) билан тугаган жаннат - захмат сўзлари бу қофияни юзага келтирган. 3. Мурдаф қофия ҳайҳот – бот сўзларида равийдан олдин чўзиқ унли (о) келганлигига асосланган. 4. Мужаррад қофия (наво - мубтало) да равий чўзиқ унлидан (о) иборат бўлиб, унда шу унлидан кейин бошқа бирон ҳарф иштирок этмаган. 5. Бешинчи байтда булбул – байтул, чаманда – ҳазанда сўзлари оркали зулқофиятайннинг мутақаррин тури қўлланилган.

“Гул ва булбул” Салоҳий ижодининг юксак намунаси-дир. Буни дoston вазни ва қофиясида ҳам кузатиш мумкин. Шоир асарга ижодий ёндашар экан, қуйидагиларга алоҳида эътибор беради:

- асар руҳидан келиб чиққан ҳолда, унга мос вазн танлаган;

- анъанавий қофия усули (а-а, б-б, в-в ...), қофия турлари (мутлақ, муқайяд, мурдаф, мужаррад), қофия санъатлари (зулқофиятайн, тажнисли қофия), радифдан асар мазмунига мос равишда фойдаланган;

- шакл ва мазмун мутаносиблигини сақлаб, асарнинг таъсирчанлигини оширишга эришган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ҳожиаҳмедов А. мумтоз бадиияти малоҳати. – Т.: Шарқ, 1999. – 240 б.
2. Ўзбек адабиёти. Тўрт томлик. ИИИ том. – Т.: ЎзССР давлат бадиий адабиёт нашриёти, 1959. – 804 б.

“ОЙЧИНОР” ДОСТОНИДА ҚЎЛЛАНГАН ТОПОНИМИК БИРЛИКЛАР

*Ўзбек тили ва адабиёти йўналиши
I-курс магистри: Ортиқова Э.,
Илмий раҳбар, ф.ф.н.: Жабборов Э.*

Қодир бахши Раҳимовнинг “Ойчинор” достони тилида оронимлар, ойконимлар, гидронимлар, зоонимлар, этнонимлар, космонимлар, фитонимлар, хронимлар ва бошқа ономастик бирликлар қўлланган бўлиб, бу номларни адоҳида тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади. Қуйида тилшунослигимизда географик объект номлари сифатида бирлаштириб ўрганилаётган оронимлар, ойконимлар ва гидронимларнинг достон матнида қўлланиши ҳамда уларнинг айрим лисоний хусусиятлари ҳақида фикр юритишга ҳаракат қиламиз.

Оронимлар. Халқ достонлари тилида бундай номлар тоғ, чўққи, тепа, қир, жар, чўл, яйлов, жилға номларини ифодалаб келади. Қодир бахши достонлари тилида қуйидаги оронимик бирликлар кенг қўлланилган: *Куйтанг, Кўҳи Қоф, Каттапой, Жилғасой, Бобоҳон (тоғ), Бойсун (тоғ),* каби.

Достон тилида қўлланган оронимларни қуйидаги мавзувий гуруҳларга ажратиш мумкин:

54.	<i>Mirzaev O. H.</i>	Ўзбекистонда тасвирий санъат соҳасида хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлик	168
55.	<i>Rajabova L.</i>	О'quvchilarni kasbga yo'llash va mehnatsevarlik ruhida tarbiyalashning pedagogik - psixologik xususiyatlari.	172
56.	<i>Xo'jayarova N.</i>	О'quv vaziyatlarining turlari, ularning didaktik tavsifi	174
57.	<i>Дамшиова М.</i>	Ўзбек оилаларида низолар шаклланишининг психологик хусусиятлари	177
58.	<i>Амонова С Жабборов А.</i>	Самарали ўзлаштиришнинг муҳим омиллари	181
59.	<i>Жабборов И.А.</i>	Оилада эр-хотин муносабатларини мувофиқлаштиришга оид ижтимоий омиллар	185
60.	<i>Абдукаҳхарова Г. А.</i>	Направления современной социально - психологической службы и их значение в прогрессе общества	187
61.	<i>Жўраев Б.</i>	Ёшларда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг психологик омиллари	190
62.	<i>Жумаева К. Шодмонов Н.</i>	“Девони Мирзо” асарининг фонетикаси ҳусусида	192
63.	<i>Шодиева С. Шодмонов Н.</i>	“Гул ва булбул” достонининг вазн ва қофияси	195
64.	<i>Ортиқова Э., Жабборов Э.</i>	“Ойчинор” достонида қўлланган топонимик бирликлар	197
65.	<i>Рајарова Z. Тојіуева G.</i>	Til madaniyati-sotsiolingvistik hodisa sifatida	199
66.	<i>Султонова Н.</i>	Амир Худойберди шеъритада лафзий санъатлар	202
67.	<i>Elmurodova S.S., Elmurodov N.S.</i>	Hozirgi zamon ingliz tilida fizikaga oid terminlarning o'zbek tilidagi muqobillari	205